

ЗАФАР МУБОРАК, АЗАМАТ ПИЛЛАКОРЛАР!

БУТЎН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАЛҚИГА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 108 (4314). | 1 июнь, 1971 йил, СЕШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТЬ ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕХНАТ ҒАЛАБАСИ

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун қурашиб, бу соҳада дастлабки ютуқни қўлга киритдилар. Давлатга пилла сотиш йиллик планни 29 майда, муддатидан илгари муваффақиятли бажарилиди.

Тайёрлов пунктларида ҳозирча 1422 тонна пилла етказиб берилди ёки бу соҳадаги план 103,7 процент ошди.

Пилла қурт боқишда прогрессив методларни қўлланган областимизнинг пиллачилари ҳар бир қўтидан 59 килограммдан «кумуш тола» териб топширдилар. Бу пландагига қараганда ҳар қўтидан 5 килограммдан кўпдир.

Бекобод, Оққўрғон, Калинин, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Бўка, Янгийўл, Юқори Чирчиқ районлари давлатга пилла сотиш соҳасидаги планларини ошириб бажаришди. Бу районлар пландан ташқари 73,2 тонна пилла етказиб бердилар.

Тўққизинчи беш йилнинг биринчи йилида

Бекобод район пиллакорлари айниқса меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Улар давлатга пилла топшириш планини қисқа муддатда бажаришди, пландан ташқари 20 тонна пилла етказиб бердилар. Ҳар қўтидан олтинга пилла пландаги 57 ўрнига 65,6 килограммини ташкил этди.

Областдаги жуда кўп хўжаликлар пилладан юқори ҳосил олдилар. Оққўрғон районидagi Охунбобоев номи колхоз ҳар қўтидан 86,9 килограммдан, Димитров номи колхоз-68,9 килограммдан, Бекобод районидagi Ленин номи колхоз 76,3, 1-«Давлат» совхоз 68,2, Ўрта Чирчиқ районидagi Энгельс номи колхоз 65,2, Калинин районидagi Ильич номи колхоз 64, Янгийўл районидagi «Коммунизм» колхоз 60, Пискент районидagi «Олма» совхоз 70 килограммдан, Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» колхоз 61,6, Бўка районидagi «Партия XX съезди» колхоз 68,7 килограммдан «кумуш тола» топшириб ўз зиммаларидаги мажбуриятни парф билан бажаришди.

Областимиз давлатга 1422 тоннадан ортиқ пилла сотди. Ҳар қўти қурт уруғидан область бўйича 59 килограммдан «кумуш тола» териб олинди. Давлатга пландан ташқари 60 тонна пилла етказиб берилди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi «Полярная звезда» колхозининг илгор пиллакори М. Саримсонова 11 грамм пилла уруғидан 60 килограмм юқори сифатли «кумуш тола» териб топширди. Сурагда: М. Саримсонова қабул пунктининг катта агрономи Х. Ризаева пилла топширмада. А. Мальцев фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 31 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — мавсум бо-планни бажариш проценти, учин-шидан бўён тайёрланган пилла чи стун — бир қўнда тайёрлан- (тонна ҳисобида), иккинчи стун — ган пилла, (процент ҳисобида).

Бекобод	133,7	117,6	—	Калинин	215,9	103,0	—
Оққўрғон	165,2	114,6	0,5	Юқори	—	—	—
Бўка	97,0	108,4	0,4	Чирчиқ	132,5	100,1	8,3
Ўрта Чирчиқ	157,3	107,0	1,0	Бўстонлиқ	38,3	51,0	—
Янгийўл	217,8	106,7	2,3	—	—	—	—
Пискент	136,8	103,7	2,6	Область	—	—	—
Оржоникидзе	127,1	103,5	0,7	бўйича	1421,6	103,7	1,6

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Бутун—Болаларни ҳаёми қи-дин халқор қуш. Ийгирига кун йилдики, ер юзидagi барча прогрессив инсоният бу қўлду қушни байрам қилади.

1949 йили халқор демократик хотин-қизлар федерациясининг қарори билан Болаларни ҳаёми қиш халқор қуш белгилаган эди. Бутун дунё халқлари бу қарорни қўллаб-қувватладилар. Биринчи бор — 1950 йили эллик бир мамлакат бу қушни кенг қучор очиб қўлиб олди. Шундан бўён бу қуш халқондаги барча болаларнинг осойишталигини асари, уларнинг бахтини ёшларини таъминлаш йўлидаги қушларни, оила-боб мақсадларини бирлаштирувчи қуш бўлиб қолди.

Фараздан Ер юзидagi бир қушда неча юз минг фараздан туғилади. Аммо, боланинг тақдирини, ёшларини ҳаёми мамлакатда ҳам бир қишда ўтказишди. Бир мамлакатда фараздан туғилса, у оилага олам-олам қувонч, шодлик келтириди, бошқа бир мамлакатда қуш қуфат, уни боқиб қайғуси туғилади. Фақат инсон қадри-қиймати ҳаёми нарсасдан юксак даражада бўлган бизнинг Советлар мамлакатидagi фараздан фараздан оила қувонч, Ватан эртаси, умиди, саодати ҳисобланади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳали бола туғилган туруй унинг учун бахт тиланади. Хомилдор аёл меҳрибон врач назоратда бўлади. Бўлаёка оила меҳнат сажидан қатъий назар нафақа берилади. Фараздан туғилган оила бола учун қатта илжониятлар яратиб берилади.

Социалистик давлатимиз ташкил топган дастлабки йиллардаёқ дохий Ленин болаларга яқин қатта эътибор бериш, қам-хўр бўлиш, меҳр бағишлаш зарурлигини ўқитганиди. Ҳали Совет давлати энди қад кўтариб келасанг энг оғир йиллардаёқ, «Ҳаёми яхши нараса — болаларга» деган шор туғилган.

Болаларга ленинча қамхўрлик кўрсатиш энди қушда жонон партиясимиз, Совет ҳуку-матимиз ҳам умумхалқнинг биринчи навбатдаги жонон қишга айланди. Ойа-Ватанимиз ўз фарзандларидан ҳеч нарсани аямейди. Уларнинг қушқоқ ёш-лиги, бахти келажак учун яхши-ини шикониятлар тўла яратиб берилади.

Болалар муассасалари тар-моқлари мунтазам равишда ке-гайиб, ясилади, болалар боғча-лари мактаб, пионер лагерлари, саройлари сони тобора ўсиб бормоқда. Азиз ўғил-қизларимиз учун илм-маърифат, мада-ния, нафосат даргоҳларининг эшиклари очин. Биринчи об-ластимизда қарийб 700 минг ўғил-қизни ўз бағрига олган 1300 га яқин умумий таълим мак-таблари ишлаб турипти.

Пионер ёш болалари. Ўрта-дан областимизда 100 мингдан ортиқ пионер ёш таълими соя-сақини, сулим болаларда, сой бўлибларга ўтказди.

Областимизда қарийб 700 минг кўбондан ойна бор. Улар-га ҳар томонлама қамхўрлик-лар кўрсатилади.

Партияимизнинг тарихий XXIV съездида бу масалага яна бир бор алоҳида эътибор бўлиб қаралди. Ойна бола учун нис-ли қўрилмаган қамхўрликлар

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

29 майда ЧКП XIV съезди ишида иштирок этган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси Прагада Москвага қайтиб келди.

Внуково аэродромда КПСС делегациясини Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Маврунов, А. Я. Педис, И. В. Подгорний, Д. С. Поллянский, М. А. Суменов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, Н. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, В. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ва бошқа ўр-тоқлар қутиб олдилар.

Қутиб олувларни орасида ЧССРнинг СССР даги мувақ-қат ишлар бақили Э. Хебен, Чехослования Элчиюсининг дипломатик ҳодимлари бор эди.

(ТАСС).

САЙЛОВЧИЛАРИНИНГ П. Н. ДЕМИЧЕВ БИЛАН УЧРАШУВИ

ЯРОСЛАВЛЬ. (ТАСС). Мотор за-водининг маданият саройида Ле-нин сайлов округи сайловчилари-нинг РСФСР Олий Совети депу-татлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сийасий бюроси аъзолигига номзод, КПСС Мар-казий Комитетининг Секретари Пётр Иванович Демичев билан уч-рашуви Ленин район партия ко-митетининг биринчи секретари Ю. П. Шиншунин очди.

Ишончли вақил — мотор за-водининг бош металлурги И. Ф. Абрисимов сайловчиларни депу-татлигига номзоднинг тарихида ҳоли билан таништирди ва сай-лов кўни депутатлигига номзод-лар учун ҳамма яқинли билан овоз беришди, деб ишонч бил-дириди. Сўнгра сўзга чиққан бош-қа ўртоқлар КПСС XXIV съезди қарорларини муваффақиятли сўратда амалга оширишга қатъ-ий бел боғлаганликларини ҳақида гапирдилар.

Шундан кейин мамлис ахли самийини қутиб олган П. Н. Де-мичев нутқ сўзлади.

ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИГА ОРДЕНЛАР ТОПШИРИЛДИ

«Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» об-ласт газеталари область меҳ-наткашларини коммуни-стик руҳда тарбиялаш, улар-ни хўжалик ва маданий қури-лиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш борасида са-марали ишлаганликлари учун ҳукумат мукофотларига сазо-вор бўлган эдилар. 30 майда шу газеталар редакциялари-нинг коллективларига ҳукумат мукофотлари топширилди.

КПСС Марказий Комитети Сийасий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Комму-нистик партияси Марказий Ко-митетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов СССР Олий Совети Президиумининг топ-ширишга буюнган «Хурмат бел-гиси» орденини редакциялар-нинг байроқларига қадд қўй-ди. У редакцияларнинг коллек-тивларини юксак мукофот бил-дан чин қўнгилдан муборакбод қилди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Сове-ти «1971 йил ҳосилини йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжа-лик маҳсулотлари тайёрлаш таъминлаш чоралари тўғриси-да» қарар қабул қилдилар.

Ҳосил қисқа муддатларда ва юқори даражада қўлга кўй-май ўз вақтида ва юқори сиф-фияти қилиб йиғиштириб олиш, дов ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини қишлоқ хў-жалик пиллаши тўла ва ош-тириб бажариш ҳамда улар-ни ташиб олиш ва асрашнинг таъминлаш мақсадида КПСС Марказий Комитети билан СССР Иттифоқи Министрлар

Совети колхозларини, совхоз-ларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларини 1971 йил ҳос-илини йиғиштириб олишга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари-ни тайёрлашга ўз вақтида шай қилиб қўйиш таъминлашнинг иттифокдор республикалар Компартиялари Марказий Коми-тетлари ва Министрлар Совет-ларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрига, СССР Мелиора-ция ва сув хўжалигини министр-лигига, «Союзсельхозтехника»-га, СССР Тайёрлаш министр-лигига, СССР Озв-овқат са-ноатининг министрлигига, СССР Ен-гил саноат министрлигига, Ўз-бекистон ва район партия комитетларига, автоном рес-публикалар Министрлар Совет-ларига ва меҳнаткашлар депу-татлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига, маҳал-лий қишлоқ хўжалик органлари-га, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига топширилди.

СССР Қишлоқ хўжалиги ми-нистрлигига, «Союзсельхозтех-ника»га ва Ўзбекистон министр-лигига қалла қишлоқ хўжали-ги ўрминини ташлаштириш учун иттифокдор республикалар Ми-нистрлар Советлари билан ке-лишиб, мавжуд шарт-шароит-ларга мувофиқ 1971 йил июнь-сентябрь ойларда қишлоқ хў-жалиги эҳтиёжлари учун ақри-ялиг фондларга мувофиқ бериш мўддатларини ўзгартаришга, шунингдек, зарур бўлган ҳол-ларда Козогистон ССРга ҳо-сил ўрмин дарида бошқа итти-

фокдор республикалардан тақ-рибали қамбаниларини юбо-ришга рухсат берилади. «Союзсельхозтехника»га зар-ур бўлган қолларда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва иттифокдор республикалар Министрлар Советлари билан келишиб, «Трансельхозтехни-ка» транспорт корхоналарининг автоколонналарини ҳосил ўри-ми ва қишлоқ хўжалик маҳсу-лотларини тайёрлаш учун бир иттифокдор республикадан ик-кинчисига юборишга рухсат бе-рилади.

Транктор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ҳамда бошқа министрликлар 1971 йилда ҳосил ўрминда иш-латиладиган қишлоқ хўжалик машиналарини мўддатидан ол-дин тайёрлаш ва ақриятлиг фондлар ҳисобига қишлоқ хў-жалигига етказиб бериш таъ-минлашлари лозим.

Қишлоқ хўжалигига ва сув хўжалигига тракторларнинг, автомобилларнинг, қишлоқ хў-жалик машиналари ва экскава-торларнинг запас қисмларини тайёрлаш ва етказиб бе-ришнинг министрликлар билан илораларга шундай запас қис-млар мўддатидан олдин юбо-риш таъминлаш ва бунда за-пас қисмларнинг республика-ларга, ўзлаблар ва областларга бир текис етказиб берилишга алоҳида эътиборни қаратиш топширилди.

1971 йил ҳосилини ўриш учун колхозлар, совхозларга ва бошқа давлат қишлоқ хўжа-лиги ҳамда қалла қабул қилиш корхоналарига қўшимча маши-налар, асбоб-ускуналар, нефть маҳсулотлари ва материаллар ақриятли берилади.

СССР Нефтини қайта ишлаш ва нефть химияси саноати ми-нистрлигига 1971 йилда ўрми-ининг ишларини ўтказиш учун қўшимча равишда нефть маҳ-сулотини ишлаб чиқариб, етказиб бериш топширилди.

Иттифокдор республикалар-нинг Министрлар Советларига шу қарорда белгиланган ми-нистрликлар ва идораларнинг автомобилларидан ташқари ҳамма корхоналар, муассаса-лар ва ташкилотларнинг юк

автомобиллари ва бортовой автоприцепларини ҳайдовчилар-и ва ремонт воситалари билан бирга 1971 йил ҳосилини йи-ғиштириб олишга жалб қилиш-га ижозат берилади.

Ҳосилни йиғиштириб олиш-га жалб этилаётган автомобил-ларини автомобиль хўжалик-ларига, совхозларга, колхозларга бериш қўйиш тартибини ҳам-да ана шу автомобиллардан автоколонналар тузиш тартиби-ни белгилаш, шунингдек, авто-мобилларини запас қисмлар ва ремонт воситалари билан таъ-минлаш иттифокдор республи-каларнинг Министрлар Совет-ларига топширилди.

Дон ва бошқа қишлоқ хўжа-лик маҳсулотларини ташинди-я юк автомобилларининг кечая-қундуз ишларини ташкил этиш зарур деб топилди. Шу мақ-садда иттифокдор республика-лар ва автоном республикалар-нинг Министрлар Советлари, ўзлаб област ижроия коми-тетлари ҳосилини йиғиштириб олишда банд бўлган ҳамма авто-мобилларини бир автомобилга икки шофер ҳисобидан ҳайдо-вчилар состави билан таъмин-лашлари, зарур бўлиб қолган ҳолларда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан шофер-ларни жалб қилишлари керак.

Дон ва бошқа қишлоқ хўжа-лик маҳсулотларини, шунинг-дек силос массасини ташинди-я командирозка қилинган шофер-лар, ремонт ишчилари, меха-никлар, автоколонналарнинг бошқилари ва автомобиль хў-жаликларининг диспетчерлари бутун командирозка дарида асосий иш юйдилар ўртача де-ҳқоннинг 75 процентини, деҳқ-онларнинг тариф ставкасида қам бўлмаган ҳақни олаб ту-радилар. Бу ҳақини шу ҳодим-ларнинг асосий иш юйдилар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар. Шу му-носабат билан командирозка қилинган ҳодимларга суточини ва квартира ҳақи тўланмайди.

(Давоми иккинчи бетда).



Пилла тайёрлаш йиллик планини мўддатидан илгари ба-жарганликлари учун область «Хурмат тахтаси»га ёзилдилар

Оққўрғон райони (район партия комитетининг биринчи секретари С. Тоиров, район ижроия комитетининг раиси Х. Обидов, район комсомол комитетининг секретари А. Хўжа-кулов, бош пилла қуриш идорасининг директори Б. Ма-шаров, пиллачилик агрономи Х. Аликбаров ўртоқлар).

Калинин райони (район партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов, район ижроия комитетининг раиси Б. Тошхўжаев, район комсомол комитетининг секретари Х. Ҳамидов, бош пилла қуриш идорасининг директори В. Комилов, пиллачилик агрономи Х. Фозилов ўртоқлар).

Оржоникидзе райони (район партия комитетининг биринчи секретари П. Юсупов, район ижроия комитетининг раиси М. Қосимов, район комсомол комитетининг секретари М. Рў-зиева, бош пилла қуриш идорасининг директори Ф. Ваҳобов, пиллачилик агрономи А. Воеводин ўртоқлар).

Бўка райони (район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев, район ижроия комитетининг раиси Р. Қо-дилов, район комсомол комитетининг секретари Э. Жўраев, бош пилла қуриш идорасининг директори А. Ортиқбоев, пиллачилик агрономи Т. Нашанов ўртоқлар).

Ўрта Чирчиқ райони (район партия комитетининг бири-чи секретари С. Аҳмедов, район ижроия комитетининг раиси А. Назаров, район комсомол комитетининг секретари М. Ота-кулов, бош пилла қуриш идорасининг директори Т. Суато-нова, пиллачилик агрономи С. Раҳмонова ўртоқлар).

Янгийўл райони (район партия комитетининг биринчи секретари А. Алимов, район ижроия комитетининг раиси Р. Ус-монов, район комсомол комитетининг секретари Ю. Хайдулов, бош пилла қуриш идорасининг директори Ж. Ёқубов, пил-лачилик агрономи К. Казакова ўртоқлар).

корхоналарнинг тартибига
алгарга, гада
вчи ва доinni
корхоналарга
этиш тақлиф

ВИЗИТИ
ри иқтисодий
ташқиётнинг
амлакатда бўл-
ган савдо-со-
ниллари ҳамда
о-саноат пала-
ган учрашди.

СТОН
АШУВ
ентликларнинг
Ассом ва Ме-

ГДР. Шведт шахрида нефть-химия комбинати ишлаб туриб-
ди. Шу йил комбинатда Совет Иттифоқидан «Дўстлик» ку-
вури орқали оқиб келаётган 7 миллион тонна нефть қайта-
дан ишланади. Суратда: нефть-химия комбинатининг қўрнин-
гига. АДН—ТАСС фотоси.

и шиллаб туриб-
«Дустлик» ку-
шефты қайта-
тининг курийн-
АСС фотос.

Абай Қўнонбоев туғилган куннинг 125 йиллигига

ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ БҲҮҮК ОҚИНИ



Ўзбек-қозоқ адабий-маданият алоқалари ҳақида гап кетар экан, аввало улуг мутафаккир Алишер Навоий билан қозоқ адабиётининг буюк классиги Абай Қўнонбоев номига тилга олмаи ило-жиёмиз. Ўй, Чунки, иккала шоир ижодиётига назар ташлар эканмиз, уларнинг ижод дурдоналарида ўхшашлик ва яқинлиқни, ҳамонанлик ва ҳаммафаслиқни яққол кўра оламиз.

Маъшур қозоқ ёзувчиси академик Ғ. Мусрепов «Қозоқнинг революциядан аввалги адабиётига Ўрта Осиё классиклари асарларининг таъсири кўп бўлган. Жумладан, ўзбек халқининг мутафаккир шоири Навоийнинг аjoyиб асарларини ўқиб таъсирланмаган шоир камдан-кам. Классик адабиётининг буюк чўққиси Абай ҳам ўзига устоз тутган, талантига таъзим этган шоирларнинг бири Навоий эди», — деган эди.

Ҳақиқатдан ҳам XIX аср қозоқ адабиётининг чўққиси бўлмиш, улуг мутафаккирлар шоир, Абай Қўнонбоев; шунингдек Шангерей, Акмўлла, Шаоди Тўра, Майлиқона, Эришмет, Турмағамбет, Ақан Сери, Сўлтаммағамбет каби қозоқ шоирлари Шарқ шоирларининг, жумладан, Алишер Навоий, Низомий, Ғофий, Гулҳаной асарларини алоҳида мароқ билан ўқиб, кенг мутолаа этганлар. Батырлар улар асарларидан илҳомланиб оригинал асар яратсалар, баъзилари эса уларга муҳаммас боғланганлар.

Маълумки, Абай Семипалатинск шаҳридаги мадрасада ўқиб юрган чоғида Навоий, Низомий, Ғофий асарларини кўп билан ўқиб, баҳраманд бўлди. Улар асарларидан илҳомланиб, муҳаммас боғланди, аjoyиб шеър, дostonлар, қиссалар яратди.

Абайнинг 1858 йили яратган «Юз равшан», 1859 йили ёзган «Ғофий, Шамсий, Сайқали» каби шеърларини

Алишер Навоийнинг «Ҳазойи-нуз—Маоний»га мотиви жиҳатидан ҳам, услуби, оҳанги жиҳатидан ҳам, кўтарган масаласи жиҳатидан ҳам бири-бирига мос келади.

Абай Алишер Навоийнинг «Ҳазойи-нуз—Маоний» асарини синчилаб ўқиб, ундан кўп нарсалар ўрганган ва улардаги ваъна, қофия, радиф, мотивларини сақлаб ўзича оригинал асар яратган.

Алишер Навоий ўзининг бир қитъасида:
Ахли маъини гуруҳида
Хеч ор айлама анҳор,
Ким буларга гадолиги,
Ахли суртага ортиқдур,
Ахли суртага подполиғиди.

деса, Абай Қўнонбоев ўзининг бир шеърини бундай дейди:
Сақалин сатқан қориде,
Ақилин сатқан бала артик;
Эрип сатқан патшадан,
Ертўғенин сатқан қара артик.

Демак, Абай ҳам А. Навоий сингаи одамнинг фаросатин, бефарз бўлишини қоралайди. Ақли, ҳақли, фаросатли бўлишини алоҳида улуғлайди. Бу иккала шеър жуда ҳам кўтарини руҳда ёзилган бўлиб, умумий руҳи билан рафидида яқинлиқ, ўхшашлик мавқуд, аммо ҳар иккаласи ҳам ўз-ўзича оригинал ижод маҳсулидир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Абай улуг гуманист шоир А. Навоий асарларидан фақат ёшлик чоғидагина таъсирланиб, илҳомланибгина қолмасдан, унгайиб, кейинги даврларида ҳам ижодий ёндашиб, уни устоз сифатида таъинган. Шунинг учун ҳам академик М. Азиев «Шуни ҳам кўзда тутиш лозимки, Абайнинг Шарқда муносабати унинг ижодининг турли даврларида турлича эди. Агар у ёшлик йилларида (1860—65) ўз ижодини кўпроқ танқид қилиш билан боғлаган бўлса, ижодининг вояга етган давр-

ларида (1884—904) унинг Навоий ва Низомийга муносабати қилиши энди тақдир ҳаракати эмас, балки уларнинг традицияларини ижодий ва танқидий ўлчиётган олиш ҳаракати эди» деган эди.

Маълумки, Алишер Навоийнинг «Ҳайрату аброр» асарини баъди асарининг шай ва маъму бирлиги ҳақидаги фикрларига Абайнинг «Ўзлар сўзининг подшоҳи» сўз сароси шеър жуда ҳам оҳанг дошди.

Алишер Навоий ўзининг «Сабаъи сайёра»нинг муқаддимида сўз ва баъдий ифода билан маҳоратини алоҳида эътибор билан таърифлаб, сўзни жаҳоҳиға ўзатган бўлса, Абай сўзининг мазмунини олтинга, формасини қумушга ўхшатишини алоҳида қайд этади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, А. Навоийнинг сўзга берган таърифида Абайнинг шеърта берган таърифи жуда ҳам ўхшашдир.

Шунингдек, Алишер Навоийнинг баъзи ишқ-муҳаббат ҳақидаги шеърлари билан Абайнинг шу ҳақидаги шеърларида ҳам яқинлиқ, ўхшашлик томонларини кўрамиз. Шунинг учун ҳам Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзои, филолог факультети доктори, профессор Е. Исмаилов, 1961 йили А. Навоий меросини ўрганишга бағишланган традицион конференцияда «Абай, Ахан, Сери, М. Копеев ва бошқаларнинг севиғи лирикаси ҳамда ахлоқий-таълимий шеърларида биз Навоий лирикасига оҳангдош бўлган мотивларни, Навоий лирикасига хос бўлган поэтик ифодаларини равшан кўрамиз» — деган эди.

Навоий ўзининг бир шеърини қилиш тили билан дили бир бўлиш керак, тили бошқа, дили бошқа бўлган кишилар дўст бўла олмайдилар, у инсоннинг ашаддий душмани эканлигини:

Ер уздурким, тили-қўлги онинг бўлса бир,
Кими тили ўзга ва қўлги ўзгадир — ул ёр эмас.

деса Абай ҳам бу шеърта муҳаммас боғланди.
Шуниси характерлики, Абай Шарқ шоирларининг мароқ билан кўйлаган бир қанча дostonларини ахши билган ва шу дostonлар асосида ўз ҳам бир қанча асарлар яратган. Бу ўринда шоирнинг «Маъсуд», «Искандар» ва «Аъям ҳиёуси» номи дostonларини қайд этиш ўринлидир. Шунинг алоҳида қайд этиш кераки, Абай «Искандар» дostonини яратиб, тарихий, афсонавий Искандар бошқачароқ ёндашганини кўрамиз ва бу дoston Шарқ шоирлари кўйлаган Искандар дostonининг ўзигагина эмас, балки у ўзича илағган, ўз ижод маҳсулидир.

Абай ўз дostonида Искандарни эъзурини талон-тарож этуви, шафқатини, бошқини сифатида таъдлантиради. Яъни А. Навоий яратган Искандар билан Абай яратган Искандар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Аммо, иккала дostonнинг баъзи бир гоёвий мотивларида аниқгина ўхшашликлар мавқуд. Масалан, А. Навоий дostonида фалсафий, ахлоқий, таълим масалаларига катта аҳамият берилиб, асарда Арасту (Аристотель), Афлотун (Платон) каби ва бошқа улуг мутафаккирларнинг образлари ёритилса, Абай дostonида ҳам Аристотель образи таъдланади. У Искандарнинг ёқинчилиги ҳаракатини қарши бўлиб, унга маслаҳатлар беради.

Шуни диққатга сазоворки, Абай Шарқ шоирлари асарларини севиб ўқиб, уларга муҳаммас боғлаб бир қанча шеър ва йирин дostonлар яратиб билан бир қаторда, катта Ўли Оқилбойга Алишер Навоийнинг «Сабаъи сайёра» асари юзеги асосида «Жарроғ» номи дoston ёзишни тавсия этган. Бу шоирнинг Алишер Навоий асарларини нақадар севиб ўқиб, уни кенг тарғиб этганлигидан далолат беради.

Қалдибек САИДЕНОВ,
филология фанлари кандидати.

СПАРТАКИАДА ЯҚУНЛАНДИ

30 май куни Ўзбекистон XV спартакиадаси маррага етди. 25 куна мобайлида спартакиада филиаллари спортнинг 24 тури бўйича кураш олиб бордилар. Областлар терма командалари учун 14 тур бўйича, кўнглили спорт жамоалари ва идоралари командалари учун спортнинг 7 тури бўйича мусобақалар ўтказилди.

Республикамизнинг ҳамма областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳрининг вакилларидан иборат 3,5 мингга яқин энг кучли спортчи бўлган кўнглили шпортчилар кўнглили мусобақалар давомида 71 юниш спорт мастери даражасидаги натижани кўрсатди. Шу жумладан 14 юниш биринчи марта СССР спорт мастери нормативини бажарди.

Оғир атлетикачилар Владимир Литва, Анатолий Спешилов (иқкловлар Тошкент областидан), биярлик велосипедчи Владимир Шаловалов, тошкентлик чапандозлар Искандар Иллов, шев ва Тамара Шахсияна ана шундай фарқли ном эгаси бўлдилар. Шунинг айтиш кераки, «Ташкентабель» заводининг синювич контролери Тамара Шахсияна Ўзбекистонда биринчи бўлиб аёллар ўртасида от спортини мастерлик нормативини бажарди. Самбочилар А. Мухамедов, С. Саидов, Ф. Абдуллули, боксчилар М. Каматов, И. Габдуллин, Н. Хуторянец, велотрог бўйича В. Саенко, И. Шамшинов, А. Токаренковлар ҳам спорт мастери талабларини бажардилар.

Спартакиада давомида республикамиз 11 та янги рекорд ўрнатилди.

Ўтган йилдабу кунини Ўзбекистон комсомолни Марказий Комитети таълида спартакиада таъна-нали равишда ёпили. Мусобақаларнинг бош судьяси Ю. Егоров спартакиада натижаларини эълон қилди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кузурдаги физкультура ва спорт комитети раиси Э. Аминов гоҳиларга мунофотларини топишди. Биринчи ўрин учун кўчма соврин ва биринчи даражали диплом Тошкент шаҳрининг терма командасига топиш-рилади. Кўчма соврин ва иккинчи даражали мунофотлар Тошкент области спортчилари олинша муваффақ бўлдилар. Ҳа мунофотлар Фарғона области вакиллари тегди.

Кўнглили спорт жамоалари гуруппалари бўйича Ленин орденли «Спартак» жамоати вакиллари ҳаммадан яхши натижанига эришилдилар. Улар 46 очко билан биринчи ўринни эгалладилар. 38 очко олган динамочилар иккинчи, 35 очко олган «Буревестник» вакиллари учинчи бўлишди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Э. Габуринов спартакиада қатнашчиларига қарата диққатни кўчма сўзлади. У республикамиз спортчиларига меҳнатда, ўқинида ва спортда янги муваффақиятлар таълида янги бирга СССР халқларининг у спартакиадаси спортчилари у республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга чақирди. Гимн сазолари остида Ўзбекистоннинг энг яхши спортчилари Э. Саидий ва А. Соронин Ўзбекистоннинг XV спартакиадаси байрогини охишта туширадилар.

СССР — ИСПАНИЯ — 2:1.

Европа биринчилигининг ўтган йилдабу кунини Москвада бўлган саралаш ўйинида ватандошларимиз муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Улар Испания терма командаси устида 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни 79 минутда Колотов, 83-минутда Шевченко ва 88-минутда Ренская киритдилар. Шуниси характерлики, бу командаларнинг етти йил аввалги ўйини Мадрида худди шу ҳисоб билан испанлар фондасига ҳал бўлган ва улар Европа Кубогини қўлга киритган эдилар. Бу сафар ватандошларимиз голиб келиб, 3:2 гуруппаларида иккин ўйиндан сўнг 5:0 очко билан пешқадам бўлиб олдилар. Испанияликлар эса уч ўйиндан тўрт очко тўпладилар.

Совет командаси кунинидаги составида ўйнади: Рудаков, Додоушвили, Шестернев, Зиков, Ипполитов, Колотов, Мунтин, (Федотов), Сабо, Банишевский (Г. Нодия), Шевченко, Еврюжиян.

ЁШ СОЗАНДАЛАР

Кунини неча ҳамма номидида Тошкент шаҳар музика билим юртининг бир гуруппа талабалари давлат иттиҳонини муваффақият билан топишди, диплом олдилар.

Ўзбек халқ чолғу асосблари бўлимининг навобатиди 44-чи қариллишда 13 нафар ёш созанда най, чанг, ғижак, афғон рубоби, тамбур, рубоб-прима каби чолғу асосблари бўйича мухтафасилли гувоҳномасига эга бўлиди. Улар орасида М. Мирзахмудов, У. Аҳмадов, У. Каримов, Ш. Аҳмедов, Т. Согатов кабилар айниқса яхши натижаларга эришилдилар.

Давлат иттиҳонлари янги ишқорчилик ҳақида дирижерлик бўйича ўтказилди. Ёш музикачиларни ҳаётга йўналди.

Дипломли ёш созандалар ижодий коллективларда, областларда ҳамда мактабларда иш бошлайдилар.

А. ЮСУПОВ.

БУГУН—БОЛАЛАРНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Улуг пролетар ёзувчиси Мансим Горький: «Келажак болалариникидир... улар — ўринбосар, резерв, ҳамма қилинган ва қилинадиган ишларнинг қонуний меросхўрларидир» деган эди.

Дарҳақиқат шундай! Болалар — бизнинг келажакимиз, бахти-қолибимиз. Бизда ҳамма яхши нарсалар ўғил-қизларимиз учун! Қанчадан-қанча боғча ва яшлар, болалар муассасалари, мактаблар улар ихтиёрида. ИПСС XXIV съезди Директивларида бу болада яна катта таъдирлар амалда ошпирилаётгани айтилган. Бу, партия ва ҳукуматимиз ёпи алоҳид тўғрисида қатъий қарар қилишнинг яна бир ёқин далили бўлди.

Болаларимизнинг ўқинишлари мириқиб дам олишлари ва ўйнаб-қулишлари учун бизда ҳамма шароит яратилмоқда. Пионер ёшнинг мазмунли, хушчақчақ ўтказиш юзасидан қатор таъдирлар белгиламоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Касаба союзлари республика Совети махсус қарор қабул қилдилар.

Ўтган йилнинг ўаида 2,5 мил-

НУРИ-ДИЙДАЛАРИМИЗ

лион бола ёши соғломлаштириш майдончаларига жалб этилди. Қолхоз ва совхозлар кучи билан очилган, лагерлар ҳам уч сменда иш олиб борди. Қолхоз ва колхозларда пионерлар лагерларида 168 минг 230 ўқувчи ёш таштин сурди.

Бу йил маъмур мақсадлар учун қўйлаб мабалагар сарфланган. Соёсалқин, боғ-роғлар кўйинида қўйлаб пионер лагерлари ва турли майдончалар очилди. Бугундан эътиборан ўйнаб лагерлар ёғи таътилга чиққан ўқувчиларини ўз бағрига олади.

Аммо... ер кўррасидаги болаларнинг ҳаммаси ҳам шундай бахтга муассар эмаслар. Капитал дўхдор бўлган давлатларда оддий меҳнатқилларнинг фарзандлари оғир шароитда яшапша мажбурдилар. Масалан, Англиянинг Манчестер шаҳрида яшовчи янглиз ишчи-

си Иста оиласининг бошлиғи икки йилдан бери иш топпмай сарсон-саргардон 10 ёшли Кенет эса воқеалга бориб, майда-чунда ишларни бажарувчиликка олишларини ўғиниб сурди. Энди-қўли кишга» борди деганда, шаҳар ҳокимлари бегуноҳ болани ишқалдан ҳайдаб юбордилар. Ўй, уни чет элликлар кўриб қолса, бу бутун Манчестер учун уят бўлар эмиш! Бола эса сотам иш топпмайли, биз очмиз. Ахир, бу уят эмасми!» деб норозилик билдирди.

Исроил босқинчилари аўламан ҳам минглаб бегуноҳ болалар азоб чекмоқда. Иорданиянинг гарбидида Набулс қамқонасида Исроил ҳарбийлари «ишқиса» деб аниқлаган қўйлаб араблар ётибди. Улар орасида оналар, бегуноҳ нораста гўдаклар ҳам бор.

Америка империалистларининг Хинди-хитойда олиб бора-

ётган қонли уруши болалар бошга ҳам оғир қулфатлар солмоқда.

Бироқ, прогрессив жаҳон жамоатчилиги бунга бефарқ қараб турмайпти. Шармандалик ҳаракатлари учун урушқоқ империалистларни ланъатламоқда. Ана шу қудратли ҳаракатда миллионлаб оналар ҳам актив иштирок этмоқдалар. Бугунги кунда уларнинг овозлари, айниқса барайла янграйди: «Бир юзидида барайла болалар-уруш қилма эканлигини билдимасин. Улар тиш, соғлом, тенг ва бақувват ўсиб улғайишлар!»

Бугун болаларни ҳимоя қилиш халқро кунини! Бугун келажакимиз бўлган нури-дийдаларимизнинг, қолаверса, бутун оналарнинг катта байрами!

Шоир ёзганидек:
Хар доим бўлсин қуёш,
Хар доим бўлсин осмон,
Хар доим бўлсин онам,
Хар доим бўлай мен!

Г. РАХИМОВА,
республикада хизмат кўрсатган қўтувчи,
С. СОДИҚОВ,
Оржоникидзе райоиниди 25-мактаб директори.



Болаларнинг дам олиш залида.



Энцефалография аппарати олдида ҳамшира Екатерина Голубятникова.

— Бу галати машина, — изох беради шифокор.
— Ишлаш принципини кўрсатмаймизми?



Суратларда: (юқорида) ҳамшира Зухра Шоюнусова янги туғилган чақалоклар парвоишаси. (Пастда) бемор ёнида институт директори доцент Маннон Мирзамухамедов, врач Г. Садчиков ва катта медицина ҳамшираси Ф. Қосимовалар. А. АБАЙН фотолари.



Суратларда: (юқорида) ҳамшира Зухра Шоюнусова янги туғилган чақалоклар парвоишаси. (Пастда) бемор ёнида институт директори доцент Маннон Мирзамухамедов, врач Г. Садчиков ва катта медицина ҳамшираси Ф. Қосимовалар. А. АБАЙН фотолари.

РЕПОРТАЖ
КИЧКИНТОЙЛАР
СОҒЛИҒИ ПОСБОНЛАРИ

чиқилганлигини билиб, тегишли давлат усулларини қўлланган юмкин бўлади. Бу ишлар якуни ўлароқ болалар жисмоний

Тадқиқотларнинг маъмур соҳалари бўйича катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Ҳозир институтда беш киши докторлик, 20 га яқин киши кандидатлик уювинин олинш учун илмий ишларини наҳосига етказмоқда.

Бу ерда илмий-тежирини ишлар таъдир республика соғлиқни саклаш министрлиги билан ҳамкорликда методик-практинк ишлар ҳам олиб борилади. Педиатриянинг муҳим соҳалари бўйича республика врачларининг семинар-кенгашлари ўтказиб турилади.

Бу ерда катталарни даволашда қўлланяладиган бир қатор функционал ва инструментал методлардан кичкинтойларни даволашда ҳам фойдаланилади. Бунинг учун медицина техникасининг сўнгги ютуқлари ҳисобланган аппаратлар ишлатилмоқда.

Функционал диагностика ҳо-насида ҳамшира Екатерина Голубятникова элекгроцефалограф аппарати олдида учрат-

— Марҳамат.
Бемор боланинг миёсига боғланган лентга бир неча сим улади. Аппарат юргизилди. Шифокор олдидаги қорғожа кардиограммалари сингари қингир-қингир чизилар пайдо бўлди. Бу боланинг марказий нерв системасида бўладиган ўзгаришларни аниқлаб бевуғчи аппарат экан.

— Кўп касалликлар миёа фаолиятига боғланган бўлади, — дейди ҳамроҳимиз. — Миёада ўзгаришларни билиб оласак, даволаш осон бўлади.

Даволашнинг практикада қўллана бошлаган янги методлар орасида элекро билан ухлатиш ҳам яхши самара бермоқда. Институт янги даргоҳ бўлишига қараман, «аюлаш кабинети» тўла кўч билан ишта тушиб кетган. Бу, албатта, осонлик билан рўбога чиққан йўқ. Коллективга қабул қилинган ҳамширалар, врачларнинг ҳаммаси ёш, амалий тажрибаси кам эди. Уларни бирийла ўқитиб, янги приборлар билан ишлашга ўргатиш лозим эди. Бу-

ларнинг ҳаммаси институт директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач Маннон Мирзамухамедовдан катта ташкилотчилик ишларини талаб қилди.


Аюиб таъкилотчи, соғлиқни саклаш аълочиси М. Мирзамухамедов 50 дан ортқ илмий ишнинг аюри ҳамдир. Унинг кўпгина асарлари ёш врачлар учун муҳим қўллама ваънафини ўтамоқда. Болаларда жигар ва ўт йили касалликларни тўғрисидаги инструктив методик хати, ўқини ошқозон-ичак касалликларини келиб чиқариши, уни лаборатория қўли билан аниқлаш тўғрисидаги қўллама шудур қўлмасданлар.

Институт коллективни республикамиз ёш аюлди саломатлигининг посбони бўлишдек масъулиятини ўзининг аюсий бурчи қилиб олган экан, фарзандларимизга яхши имкониятлар яратиб бериш учун нимадур қилиш ҳуусида кўпгина масалаларини ўртага қўймоқда.

— Мактабгача ёшдаги болаларга таъдирли юзасидан республика партия ва ҳукумати ўтган йили қабул қилган махсус қарор, — дейди ўртоқ Мирзамухамедов, — гоит муҳим аҳамиятга эга бўлди. Йилларда ҳозир бу қарорни бажариш юзасидан катта ишлар олиб боришмоқда: қолхоз-совхозларда янги бўйи ишловчи болалар очилмоқда, сўт маҳсулотлари тайёрловчи ошқоналар ташкил этилаётин.

Институт лабораторияларида бўлиб, унинг даволаш қорусларини айлантаган, аюиб шифокорлар билан сўхбатда бўлган киши бизда «яхши нарсаларнинг ҳаммаси» — болаларга» деган шпор мунтазам равишда ҳаётга жорий этиб келляётганини ҳис этади.

С. МУСАЕВ.



„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“НИНГ ОЙЛИК КАЛЕНДАРИ

Душанба	7	14	21	28
Сешанба	1	8	15	22
Чоршанба	2	9	16	23
Пайшанба	3	10	17	24
Жума	4	11	18	25
Шанба	5	12	19	26
Якшанба	6	13	20	27



МУҲИМ САНАЛАР

1—Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўни.
5—Москвада Коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро кенгаши (1969) очилди.
8—Бундан 75 йил муқаддам (1896) Петербургда «Ишчилар синфийн овоз қилиш учун нураш союзи» раҳбарлигида туни-мачиларнинг умумтаъхис бош-ланди.
13—Енгил саноат ходимлари кўни.
Ангрен шаҳри барпо этилган-нига 25 йил тўлди.
16—Ожария АССР тузилган-нига 50 йил тўлди.
17—1918 йил Туркистон Коммунистик (большевиклар) партиясининг I съезди очилди.
20—Медицина ходимлари кў-ни.
21—Мамлакатимизда гидро-метеорология хизмати ташкил этилган кўнига 50 йил тўлди.
22—Файшлар Германияси Совет Иттифоқида қарши ҳиё-наткорона ҳужум қилганига 30 йил тўлди. СССРнинг гитлерчи-лар Германиясига қарши Улуғ Ватан уруши бошланди.
27—Совет ёшлари кўни.

ИЮНЬ НИМА?

Қадимги римликлар эътиқоди бўйича Юпитер тагнинг хотини Юно-на маъбудаси шарафига июнь деб аталган. Афсо-наларга кўра Юнона маъбудаси аёллар ҳо-мийси бўлиб, у эр-хотин-га қўшақариш, ували-жували бўлишни раво қуракан.
Қадимги Мучал йили ва ўн икки бурж ҳисоби бўйича 21 июнгача жа-ваз ойн, 23 июндан бош-лаб эса саратон ҳисобла-нади.
Езнинг энг иссиқ қирқ кунини халқимиз «ёзи чила» деб юртади. Ез-ги чила 26 июндан бош-ланади.

ОБ-ҲАВО

Июнь ойида об-ҳаво одатла-гидек иссиқ келади. Фақат ой-нинг 3—7 кунлари ҳавонинг бирмунча салқин бўлиши ку-тилади: ҳарорат кечалари 10—15, кундузи эса 23—28 дара-жа бўлади. 8—15 июнда ва учинчи декаданинг баъзи ку-ларда ҳароратнинг кўтарили-ши кўтилади. Иссиқ кечалари 18—23, кундуз кунлари 33—38 даражага етди. Қолган пайларда ҳавонинг ҳарорати кечаси 13—18, кундузи 28—33 даража атрофида бўлади. Биринчи декаданинг гоҳи ку-ларда 4—6 беш кунликларда момақалдироқ бўлиб, ём-ғир ёғади, баъзи жойларда ша-молнинг тезлиги секундига 12—17 метрга етди, чаг-тў-зон кўтарилади. Егил микдори бутун ой давомида 10—15 миллиметрга етди. Бу, норма даражасидир.
Урта Осиё гидрометеоро-логия маркази.

УЗОҚ-ЯҚИН ЙЎЛГА ЧИҚАР БЎЛСАНГИЗ

САЙР ҚИЛИШ — яхши дам олиш демакдир. Киши қанча кўп юрса, шунча кўп билади.
Аммо сайрнинг ўзи бўлмайди, унда турли қийинчиликлар рўй беради. Шунинг учун йўлга муайян тайёргарлик кўри-лиши лозим. Ҳатто ўнлаб экспедициялар ўтказган машҳур ва тажрибали сайратчилар ҳам сафар олдидан пухта тайёргар-лик кўрадилар.
Саёҳатга чиқувчилар олдин керакли адабиётларни ўр-ғанишлари, қийинчиликларга бардош беришга ўзларини ўр-ғанишлари керак.
Сафарда қўйидагиларга эътибор бериллиши шарт:
1. Йўлда усти-бош ҳў бўлиб қолса, албатта қийинчи-ликлар кўрилади. Бошқа кийим бўлмаса, нам кийимларни гул-ханда кўриб қолган.
2. Сафарда фақат дам олиш вақтидагина, шунда ҳам қай-наган сув ичинг. Булоқ суви ҳамма жойда ҳам топилавер-майди.
3. Шахсий гигиенага ҳамма вақт эътибор беринг. Тоза идишдан овқатланинг.
4. Буруй билан нафас олинг, шунда кўнрақ чанқайсиз.
5. Сафар вақтида ўзингизни иссиқ овқатдан бебаҳра қилманг.
6. Йўлда оёқни қаватлироқ қўймаслик тадбирларини кў-риш лозим.
7. Агар ётоқ жойга йўлдан чарчаб келган бўлсангиз, дарҳоз ўрнига ташланманг. Аввал бироз дам олинг, юннинг, сўнгра ётганингиз мумкин. Акс ҳолда эрталаб ўрнидан отири-ла-ниб турасиз.
Сафарда қандай юриш лозим?
Сафарда рюкзак (сафар халтаси) билан юриш анча қу-лай. Аммо сизга оғир тушиш-тушмаслиги қулай ёки ноқулай кўтарилишингизга ҳам боғлиқ. Рюкзак орқага ёнишиб туриши лозим.
Баъзан рюкзак тўғри кўтаришга бўлса, ҳам, кишига оғирлик қилиши мумкин. Сафар машаққатга айландмаслиги учун юкни меърида олиш керак. Яхшиси юкнинг миқдори сайёҳ оғирлигининг бешдан бир ёки олтидан бир қисmini таш-кил этгани маъқул.
Сафарда чарчаб, чарчамаслик тўғри юраолишга ҳам боғ-лиқ. Юриш вақтида иложи борича кам энергия сарфлаш ке-рак. Қайчилан юриш ёки лапаллаб юриш тез чарчатади.
Бир меърида, оёқини юриш лозим. Бирдан тез юриш ёки тўсатдан тўхтаб қолиш яхши эмас.
Сайёҳ юртанда оёқини ерга оёқини, равои қўйиши, те-кис жойда аввал оёқини товоини, қейин эса бутун оёқ та-гини ерга босгани маъқул. Юқорига кўтарилишда оёқ учини, сўнгра тагини, қўли қийинчиликларда эса фақат товоини босиб юриш зарур.
Кўпчилик тоққа кўтарилаётганда кўп қаллашни, қўлини, ашула айтиш керак эмас: мумкин қадар кучни тежаган маъқул.

ИЮНЬ ОЙИДА БЎЛАДИГАН ОЛИЙ ЛИГА КОМАНДАЛАРИНИНГ УЙИНЛАР КАЛЕНДАРИ

- | | |
|--|---|
| 3. ЦСКА — «Зенит»
«Қайрат» — «Нефти»
5. «Заря» — ЦСКА
«Карпати» — «Динамо» Мн.
6. «Пахтакор» — «Арат»
10. «Нефти» — «Пахтакор»
«Спартак» — «Карпати»
12. «Динамо» Мн. — «Торпе-до» (Мн.)
13. «Шахтёр» — «Динамо» (Тб).
18. ЦСКА — «Карпати»
19. «Динамо» (Мн) — ЦСКА
«Динамо» (Тб) — «Зенит»
«Нефти» — «Заря»
«Арат» — «Шахтёр» | «Пахтакор» — «Динамо» (Мн.)
«Қайрат» — «Спартак»
«Динамо» (К) — «Торпедо»
23. «Торпедо» — «Карпати»
«Динамо» (К) — ЦСКА
«Зенит» — «Шахтёр»
«Арат» — «Заря»
«Пахтакор» — «Спартак»
«Қайрат» — «Динамо» (Мн.)
«Динамо» (Тб) — «Динамо» (М)
27. «Динамо» (Тб) — «Неф-ти»
«Торпедо» — ЦСКА
«Заря» — «Арат»
«Динамо» (Мн) — «Спартак»
«Шахтёр» — «Заря»
«Пахтакор» — «Қайрат»
«Зенит» — «Динамо» (М)
«Карпати» — «Динамо» (К) |
|--|---|

ДЕНДРОПАРК Тошкентда-ги «Ғалаба» маданият ва ис-тироҳат боғининг филиали бў-либ, у янги бунёдга келати-лган «Шимол» массивидан сал-нарида, Ўзбекистон билан Қозогистонни боғловчи трасса ёнбағрида жойлашган. Урмон-боғ мана ўн йилдирки, тош-кентликларнинг ҳордиқ чиқа-радиган сулим масканларидан бири бўлиб қолди. Чалдаги суратда: чойхўрлар гурунги, ўнгда: ошхонада.
И. Шопягомов фотоси.



ЕР ҚУРРАСИ ТАБИАТИ

Календарь бўйича июнь ёзнинг дастлабки ойи. Ерости ва Шимо-лий Африканинг жуда катта қис-мида барча ўсимликлар яшил ли-боста бурканиб ўлғурди. Бу мате-рикларнинг жанубий қисмларида дарехтлар, экинлар ҳосили етила бошлади.
Июнь ойида Охота ва Беринг денгизига музлар микдори тобо-ра камайиб боради. Баренц де-нгизда муздан ҳоли бўлган терри-тория кенгайиб боради. Материк-ларнинг Шимолий Муз океанида-ги соҳилларида ва оролларида июнь — «қўшлар бозори» ойидир. Ҳатто жуда тик қирғоқларга ҳам минг-минглаб қўшлар жойлашади.
Тайга ўрмонларида июнь ойида қўшқоринлар чиқади. Лоск, ко-суля ва бугулар болаёлади. Тулки ва бўри болалари анча эсланиб қолади. Айиқлар ўз болаларини дарехтга чиқишга ўргата бошлай-ди.
Июнь ойида Африканинг шимо-лий қисми — Марокка, Жазир, Тунис, Таролис ва Миср, Европа-нинг Жанубидаги Испания, Италия ва Юнонистон, Осиёнинг Кичик Осиё, Арабистон, Эрон, Афғонис-тон ва Ўзбекистон қисмлари тобо-ра курғоқлашиб, қизиб боради. Айни вақтда эса Хитойнинг жану-бий шарқий қисмлари, Ҳинди-Хи-то, Ҳиндистон ва шарқий Покис-тонда, Африка Саванналарида эг-ги шаррос ёмғирли давр бошла-ниб кетди.
Жанубий ярим шар табиати ў-ғача. Июнь — у ерларда қишинг биринчи ойи. Жанубий Америкада бутун Патагония қор билан қа-паланиб, Чилининг жанубида эса, ёмғирли, олтин куз, Бразилия-нинг Бепейн тоғли ерларида ёғи-сиз қуруқ мавсум. Жанубий Аме-риканинг жуда катта қисмида қу-роғчил қиши мавсум бошланади. Фақат Дракон тоғларининг жану-бий шарқий томонларига салқин ва ёмғирли бўлади.
Австралиянинг жанубий шарқи-да июнь ҳамон куз ҳисобланади. Унинг марказий ва шимолий қисм-лари қуруқ ва иссиқ. Янги Зелан-дияда — куз.

ШАҲРИМИЗДАГИ Навоий театри атрофи кун сайн гу-заллашиб бормоқда. Яқин ўт-мишда Писенбозор аталмиш бу жойда кўп қаватли бинолар қўйла буй чўмонда. До-ҳий В. И. Лениннинг 100 йиллик юбилейи арафаси-да мазкур территория таниб бўлмас даражада ўзгарди: мар-мардан ишланган В. И. Ленин Марказий музейи филиали, В. И. Ленин бўлави кенг проспекти майдонинг чиройига чирой қўшди. Республика Олий Совети Президиуми ва Минис-трлар Совети биноси қар-шисидаги фонтан атрофи меҳнаткашларнинг дам ола-диган энг хушманзара жой-ларидан бирига айланиб қолди. Суратда: фонтан олдида В. ТАРАН фотоси.

СОЧИ шаҳрида республика-миз меҳнаткашлари учун «Ўз-бекистон» санаторийси бунёд этилган. Унда бируйда 400 га яқин киши дам олиши мум-кин. Ҳозирда бинонинг ўн бе-шинчи қаватида қурилиш-монтаж ишлари олиб борила-моқда. Суратда: санаторий дам олиш корпусининг умумий ку-рилиши.
(ТАСС фототехникаси).



САРАТОН

22 июнда Қуёш нури 23°30' шимолий кенгликка тик тушади. Бу чизиқ шимолий тропик ёни саратон вазифаси деб юритила-ди. У ерда қуёш туш вақтида одамнинг қоғ тепасида — зенитда туради. Бу вақтда одам сояси фақат оёқ остида бўлади, қудуқларнинг тагига ҳам қуёш нури тушади.
Шундай экан Шимолий яримшар июнда жуда кўп иссиқлик ҳам олади. Энг узун кун ва энг қисқа туш бўлади. Июнь ойида қу-нинг узунлиги 40° шимолий кенгликда 16 соат, 60° шимолий кенгликда 18 соат 30 минут, 60°30' шимолий кенглик ва ундан шимолда эса қуёш муздақ ботмайди. Ленинград ва Магадан шаҳар кенгликларидан кечалари «ёруғ туш» бўлади. Тошкентда июнь ойида қуёш ўрқидан 72° баландликкача кўтарилади.
Тошкент СССРдаги энг иссиқ шаҳарлардан бири. Июнь ойининг ўртача ҳарорати Нары-Мар шаҳрида +6°, Архангельскда +11°, Владивостокда +14°, Москва ва Рига-да +15,5°, Батуми, Сочи ва Ялталарда +20° бўлса, Тошкентда +25°.

Июнь ойида Ўзбекистонда, шу жумладан Тошкент областида ўрик, олча, кечки ғилос, эрта пишар шафтоли ва олма пишиб етила-ди. Гулзорларда гладиолус, итғиз, чинни гуллар, флокс (озода гул)лар очилади. Ой-нинг охирига бориб гўза гуллади.
Қўшларнинг кўпчилиги — қалдирғоч, май-на, чумчуқ тухум очади. Чўлларда калта-кесаклар 3—6 тадан тухум қўяди. Бўрилар-нинг болалари улағиб бошлайди. 5—6 ҳафта она сути билан озиқланган, аста-секин гўшт ейишга ўрганади. Июнда туялар бўталоқлай-ди. Она туялар ўз болаларига жуда ғамхўр ва меҳрибон бўлади, болаларини эмизини учун ҳатто, йилонлардан ўтлоқларга келиб не-тади.
Ўзбекистонда июнь иссиқ ва қуруқ бўлса-да, тоғли районларда ҳаво анча салқин ва намроқ бўлади.

САЁХАТГА МАРҲАМАТ

Областимизда меҳнаткаш-ларнинг маданий дам олиш-ла-ри учун, бундан ташқари таби-иат кўчмонда, тоза ҳаводан эркин нафас олиб ўтказиш-лари учун, ажойиб сайрлар уюштириш учун имкониятлар жуда катта.
Бўстонлик райониди, Пар-кент ва Заркентда, Оҳанга-рон дарёсининг юқори оқими-да шундай сайроғҳлар, дам оладиган гўзал жойлар кўп.
Бўстонлик районидида дам оладиган жойлар айниқса гўзал ва мафтункор. Бўстонлик-нинг қорли тоғ қўққилари, бил-лурдек тоза суварли, беғубор майсалар ва ўрмонлар, бўлу-ларнинг ҳазини сайраши, тили, соф тоғ ҳавоси ва шабадаси кишига ҳордиқ ва қувват бе-ради.
Бўстонлик қўлаб меҳнат-кашларини, ёш ҳаваскор сайё-ҳларини ўзига қорлайди. Кўпчи-ча уш «Ўзбекистон Швейна-рияси» деб ҳам юртадилар. Унинг атрофи тоғлар билан ўралганлиги учун қилми те-кисликдаги жойларга нисбатан анча юмшоқ, нам кўпроқ. Бў-стонликда кишилар дам олиб-гина, сайр қилибгина қолмай, балки даволашлар ҳам.
Оқтош, Хожикент, Хумсон, Нанай, Обираҳмат, Бурчмулла ва Чимён дам оладиган, ҳор-диқ чиқарадиган ажойиб жой-лардир.
Чимён Тошкентдан 90 ки-лометр оралида жойлашган. Унга икки соатда етиб бориш мумкин. Чимён қишлоғидан бироз жанубда 3277 м. ба-ландликда, Катта Чимён тоғи қад кўтариб туради. Тоғ ёнбағридаги қуқур дараларда еда ҳам қор учрайди.
Чимён қишлоғининг ўзи Тошкентга нисбатан 100 м. баландда, денгиз юзасидан эса 1500 метрча баландда жой-лашган. Қишлоқда 200 дан ор-тиқ хонадон бор. Тошкентга нисбатан уч марта кўп ёғин ёғади. Чимёнда июнь ойи-нинг ўртача ҳаво ҳарорати +17,4°, июлники +20,4° ва августники +19,3°.

Чимён сўзи — «пиш жой» деган мазмунини билдиради. Ҳақиқатан ҳам бу қишлоқ ат-рофи кўмқик дарехтлар, ўт-лар билан бурканган. Арчазор-лар алоҳида манзарога эга.
Чимён қишлоғининг атрофи-да Қизилжар, Катта қуқур ва Оқсой билан бирга бўлоқ-лар ҳам учрайди. «Унқик бў-лоқ» йил давомида оқиб тура-ди. Буларнинг суви Чимёсой-га қўйилади.

САҲИФАНИ ДОЦЕНТ
О. МУМИНОВ
ТАЙЕРЛАГАН

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Болаларни ҳимоя қилиш халқ-аро кўни

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

17,30 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19,00 — Кўрсатулар програм-маси, 19,05 — Бахтга болалик (Ўзбек тилида).

Рус тилида: 19,40 — «Ахборот» информатсион программаси, 19,55 ИКСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга!

Ўзбек тилида: 20,25 — Поэзия сатрлари, Шоир ҲАМИД ГУЛОМ студиямиз меҳмони, 20,45 — «Ахборот» информатсион про-граммаси, 21,00 — Ленин муно-фоти лауреатлари. Композитор АРАМ ХАЧАТУРЯН, 21,50 — Кишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатулар, 22,15 — «Тошкент — нон шаҳри» (бадий фильм), 23,55 — Кўрсатулар програм-маси.

24,00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18,00 — Изосту-дия, 20,10 — Врач мас-лаҳати, 18,55 — Реклама.

19,00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ

ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 19,00 — Абиту-риентлар учун, Физика, 20,00 — Ўқитувчилар учун консультация.

«Янги» система-янгича иш, 20,30 — «Техника воситалари» ҳар бир мантибга.

Рус тилида: 21,00 — Сен етим эмассан (бадий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ.

ДА — 2/VI да Травната.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ.

ДА — 1/VI да Йўли юлдаз, 2/VI да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/VI да Концерт, 2/VI да Ёшлида берган кўнги, 3/VI да Паранжи сирлари.

КИНО

(КИШИ БИНОДА)

Катта сайр (2 серия) — САНЪАТ САРОНИ, «СПУТНИК» «МОС-КВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (букуд ва кечу-рун), «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 8 да), «ЧАНКА» (кундуз соат 4 ва кеч 9 да).

Ҳамиша навирон ёшлик — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (орта-лаб соат 10, кундуз 12, 3, 4, 5, 6 ва 9 да), «ЎЗБЕК-С-ТОН» (жуфт соатларда).

Том Жонс (2 серия) — «ТОШ-КЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9,45 минутда), «ЧАН-КА» (кундуз соат 11,1 ярим ва кеч 6,50 минутда).

Ҳаётни беҳуда ўтказганлар — «ЎЗБЕКISTON 25 ЙИЛЛИГИ» (тоғ соатларда).

Сехрли чакмон — «КҲҚЧА» (тоғ соатларда).

Бу телба дунё, (2 серия) — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечу-рун).

Екинтой жаноб «Р» — «ВОС-ТОК» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмахонаси Тошкент шаҳри,

ЕЗГИ БИНОДА

Катта сайр (2 серия) — «ФЕС-ТИВАЛЬ».

Ҳамиша навирон ёшлик — «ХИВА».

Марназий «Пахтакор» стади-онда

5, 6 июнь кеч соат 7 да

СССР биринчилиги учун «А» класс олий лигаси.

«АРАРАТ» (Ереван) — «ПАХ-ТАКОР» (Тошкент).

командалари уртасида

ФУТБОЛ

Олдидан билет сотиш нас-саси ишлайди.

Ўзбекистон КП Тошкент об-ласт комитети Янгиобод ша-ҳар партия комитетининг сен-ретари Г. И. Потатуевга ота-си

Иван Павлович ПОТАТУЕВИН

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қи-лади.

